

Зиёвуддин қори Холмуҳаммад ҳожи ўғли (1912-1991)



11:19 / 05.03.2024 2460

Зиёвуддин қори Холмуҳаммад ҳожи ўғли 1912 йил ҳозирги Наманган шаҳрига туташ Ғирвон қишлоғида дунёга келди. Қиблагоҳи Холмуҳаммад (1880-1947) ҳожи зиёли кишилардан бўлиб, бир неча йиллар қишлоқдаги «Ғозий Муҳаммад» масжидида муаззинлик қилган. У 1910 йил ҳаж зиёрати мақсадида йўлга отланади. Уч ой деганда, Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварага етиб бориб, ҳаж ибодатини адо қилиб келади. Волидаи мухтарамаси Хадичахон ая ҳам дин-диёнатда ибратли аёллардан бўлган.

Зиёвуддин қори халқ орасида Зиё қори исмлари билан танилганлари боис, биз ҳам шу исм билан таништиришни маъқул кўрдик.

Зиё қори илк диний таълимни оила муҳитида ота-онасидан олади. Отаси Холмуҳаммад фарзандидаги Қуръонга бўлган муҳаббатни кўриб, унинг илму салоҳиятини янада юксалтиришга имкон яратади. Натижада, Зиё қори юрт ва дин ривожига муносиб ҳисса қўшадиган инсон бўлиб улғаяди. Уни хушовоз ҳофизи Қуръон бўлиб камол топишида мударрис Муборакшо (1895-1932) қорининг хизмати беқиёс бўлган.

1926 йил Рамазон ойининг 27-санаси, яъни Лайлатул қадр кечаси Зиё қори масжиддан оталари ва устозлари билан таровеҳ намозининг хатмонасини ўқиб қайтаётганларида, кўзларига оловли нур кўринади. Кўрқувдан қиблагоҳлари ва устозлари Муборакшо ҳазратларининг ўрталарига кириб олади. Ҳайрон бўлган оталари: «Ҳа ўғлим, нима бўлди?, -деб сўрайдилар. Зиё қори қандайдир оловли нур кўрганларини айтадилар. Шунда устозлари: «Зиёвуддин, сиз қадр кечасининг ғаройиботини кўрибсиз. Бугундан бошлаб Худо хоҳласа қори бўлдингиз» - дейдилар. Зиё қори ўша пайтлари 14 ёшлик ўспирин йигит бўлган эканлар.

Совет ҳокимияти мустамлака ўлкаларнинг дин пешволари, исломий илмга эга бўлган инсонларни таъқиб остига ола бошлайди. Турли баҳоналар билан уларни қамаб, жазога тортади. Илм аҳллари эса худди тўзғиган қуш мисоли турли томонга тарқаб кетадилар. Айримлари қамоқда, айримлари сургунда ҳаётдан кўз юмади.

Аллоҳнинг инояти билан Зиё қори бу синовли кунларни омонда ўтказди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари қори ҳазрат фронт ортига сафарбар қилинади. У янги тузилган Свердлов колхозида тиним билмай, фидокорона меҳнат қилади. Кейинчалик шу колхознинг дори омборида омборчи бўлиб фаолият олиб боради. Зиё қори ўзининг ҳалол меҳнати, чиройли хулқ-атвори билан колхозчи-деҳқонларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Маълумотларга кўра, Зиё қори Ғирвон қишлоғидаги «Ғозий Муҳаммад» масжидида Рамазон ойларида хатмоналарга ўтиб, имом бўлганлар. Шунингдек, халқимизнинг тўй-маросим ва маракаларда чиройли, гўзал Қуръон тиловатлари билан йиғилганларни хушнуд қилганлар. Қори домланинг нафаслари ва қироатлари ўткирлигидан, кўпчилик беморлар у кишидан шифо топган. У зоти шариф то вафотларига қадар илоҳий

каломни такрорини асло қолдирмаганлар.

Зиё қори домла илм йўлида кўплаб шогирдларга шариат илми ва Қуръони Каримдан таълим берадилар. Хусусан, маҳаллаларидаги Камолиддин ҳожи (Жўраев 1926-2002), Маҳмуджон (Исақов 1931-1987), Неъматиллаҳон (Исомиддинов 1931-1991), Тўрахон (Боймирзаев 1931-1991), Исҳоқжон (Раҳмонов 1936-2007) Тоштемир (Тожиев 1926-2003) ва Юсуфжон (Отахонов 1930-1993) ва Шарифжон (Акбаров 1932-2022) каби илму толибларга дарс бердилар.

Билишимизча, 1988-1989 йилларда Зиё қори, Абдурашид, Абдуғаффор, Камолиддин ва Мўминжон ҳожилар бошчиликларида собиқ «Алишер Навоий» маҳалласида ҳашар йўли билан масжид барпо этилади. Маҳалла аҳли қори домлани дин, Ислоҳ йўлидаги хизматларини юксак баҳолаб, намозгоҳга «Зиёвуддин қори» номинини беришни маъқул кўради.

Хуллас, Қуръон ва Суннатга мувофиқ умргузаронлик қилган Зиё қори Холмуҳаммад ҳожи ўғли 1991 йил 1 декабрь санасида бандаликни бажо келтирадилар. У зот «Ўн бир Аҳмад» қабристонига улуғларимиз ёнларига дафн қилинади.

Зиё қори Ҳожархон ая (1914-1995) Зарифбой (новвой) қизларидан Муҳаббатхон (1937-2011), Муҳаррамхон (1942-2020) ва Абдурахмон (1948-2021) исмли фарзанд кўрдилар. Ҳозирги кунда қори ҳазратлари истиқомат қилган хонадонда набира-абиралари дуоларида эслаб, уларнинг чироқларини ёқиб келмоқдалар. Аллоҳ ўтганларни раҳматига олсин, жаннати билан мукофотласин.[\[1\]](#)

Мустақил тадқиқотчи Акрам Шарипов

[\[1\]](#) Ушбу маълумотларни бизга ҳофизи Қуръон Зиёвуддин қорининг авлодлари Икромжон (1957) ва Иброҳимжон (1979) акалар билан суҳбат чоғида ёзиб олинди.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21 февраль 03-07/921-сонли хулосаси асосида тайёрланди.